

## ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИНГЛАБ ТУШИНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўрмонова Н.М.

ЎзМУ доценти, филология фанлари номзоди.

E-mail: [forestiere@mail.ru](mailto:forestiere@mail.ru)

**Аннотация:** Это статья посвящена использованию песен как один из эффективных методов на занятиях иностранного языка.

**Ключевые слова:** культура, мотивация, песня, метод, музыка, язык.

**Abstract:** This article is dedicated to the use of songs as one of the effective methods in foreign language classes.

**Keywords:** culture, motivation, song, method, music, language.

Дунёда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир даврда қайси соҳани эгаси бўлмайлик, етук мутахассис бўлиш учун чет тилларини билиш жуда муҳим ва долзарбdir.

Бугунги кунда чет тилини ўрганишга бўлган интилиш борган сари ортмоқда. Бунга сабаб қилиб жамиятда кечаётган жараёнларнинг глобаллашуви, таълим соҳасида давлатлараро интеграция, мамлакатда ва хорижда таълим сифатини ошириш учун дунё тажрибаси ҳамда бой ахборот манбасидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж каби бир қатор омилларни кўрсатишимииз мумкин.

Хозирги даврга келиб таълим мазмуни чет тилларни ўргатишида янги методларни қўллашни талаб қилади. Бу борада айникса талабаларда ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришга аҳамият бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланиб, таълим олувчиларни нафақат тили ўрганилаётган мамлакат маданияти билан таништириш, балки кундаклик ҳаёти билан ҳам таништириш назарда тутилади. Бу компетенцияни эгаллаш ўзи яшаётган мамлакат ва тили ўрганилаётган мамлакат ҳаётидаги ўхшаш ва фарқли томонларни тушинишни таъминлайди. Умуман олганда, социокомпетенция ҳам ўз она тилини шунингдек, ўрганилаётган хорижий тилнинг дунё миқиёсидаги ўрни ва ролини тушуниб этишга ёрдам беради.

Бунга эришиш учун талабаларда, биринчи навбатда, мотивацияни, яъни нима учун чет тилини ўраганиш зарурлиги, келажакда қўп тилни билиш унга қандай имконият ва қулайликлар яратиши мумкинлиги ҳақидаги тушунчани шакллантириш ва шу йўлдаги интилишини кучайтириш ўқитувчи зиммасидаги асосий вазифалардан бирига айланиши лозим.

Шу ўринда мотивация, мотив тушунчасига тўхталиб ўтсак.

Мотив [фр. motiv < лот. mover ҳаракатлантирувчи, қўзғатувчи сабаб] — ундовчи сабаб, ички ва ташқи туртки; нутқий ~; фаолият ~ и; мотивацион [лот. мотив]: ~машқ (-нутқий малака хосил қиладиган машқ); информацион, операцион, ~машқлар; мотивация [лот. мотив] — нутқий фаолият қўрсатишга мойиллик қ, шайлик қ, ички туртки, нутқ майли; чет тил ўрганиш ~, каби тушунчаларни англатади [1].

Аёнки, ўрганиш мотивини шакллантириш – ўрганишга бўлган ички истак (мотивлар, мақсадлар, ҳислар)ни пайдо бўлишига шароит яратиш жараёнидир. Мотивация нафақат ёшга балки ўрганилаётган фанга ҳам боғлиқ.

Юқори даражада мотивация беришига кўра қўшиқнинг чет тили таълимида қўлланиши маданиятларо алоқа кўникмаларини ривожлантирувчи восита ҳисобланади ва талабада ўқув материалини яхшироқ ўзлаштиришни ва хотирасида муҳрланиб қолишини кафолатлади. Чет тили дарсларида қўшиқдан фойдаланиш услуги таълим дастури мақсадини амалга оширишда ёрдамчи воситалардан биридир. Аёнки, ҳар қандай ёшда ахборот ва билимни ўзлаштиришни ўзига хос томонлари мавжуд. Қўшиқдан турли ёшларда тил ўргатишда ҳамда чет тили дарсининг барча босқичида имконият даражасида фойдаланиш мумкин.

Қадимги Греция мактабларида матнлар қўшиқка солиб ёдлангани, Япония ва Ҳиндистоннинг бошланғич синфларида алифбо ва арифметика ҳозирги кунда ҳам қўшиқ орқали ўрганилиши манбаларда қайд этилган.

Чет тилларни ўргатиш жараёнида билим бериш билан бир пайтда ушбу халқларнинг маънавий бойликлари билан таништириш асосида талабаларда маданий-эстетик ҳамда мамлакатшуносликка хос билим ва кўникмалар хосил қилинади. Бу борада мусиқа ва қўшиқнинг роли бебаҳодир. Талабанинг янгиликка ўч бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, янги-янги қизиқарли дарслардан, турли ўқув воситаларидан фойдаланиш уларни зерикиш ва дарсдан безишини олдини оладиган самарали йўлдир.

Ўқитувчи дарс вақтида қўлламоқчи бўлган воситаларни танлар экан, албатта талаба ҳаётига ва қизиқишлирига яқин бўлган тил материалларига эътибор қаратиши лозим. Амалий машғулотга нисбатан ижобий ҳисни уйғотадиган, мустақил, ижодий ишлашга имкон беридиган ўқув материалининг танланиши фанга бўлган қизиқишини орттириши мумкин ёки аксинча. Бунинг учун эса, ўқитувчи талабаси ҳақида, унинг билим даражаси, ўрганиш эҳтиёжи ва имкониятлари ҳақида маълумотга эга бўлиши зарур. Бу ўринда энг ёқимли ва самарали усуслардан бири хорижий қўшиқ, шеърларни уларнинг таржималари билан бирга ўрганишdir. Агар шеър ва қўшиқларни тил ўрганувчининг ўзи ўгирса чет тилини ўрганиш янада унумли бўлиши мумкин.

Маълумки, мусиқа ва қўшиқ ҳар бир халқнинг улкан маънавий бойлиги ҳисобланади. Оммавий, тарбиявий-таъсирчан қўшиклар ўзининг ғоявий-бадиий мазмуни, халқ ҳаётининг барча қирраларини ифода этиши каби хусусиятлари билан ёш авлодни маънавий-ахлокий, маърифий ва эстетик дунёқарашини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Миллатлар маънавий мероси, маданий бойликлари, миллий қадриятлари тизимида қўшиқчилик ижодиёти алоҳида мавқега эга бўлиб, улар халқнинг миллий урфодатлари, анъаналари, байрам маросимлари, тарихий, диний, фалсафий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзида маънавий-маърифий ғояларни мужассам этганлиги сабабли ҳам чет тили таълимида улардан фойдаланиш тили ўрганилаётган давлат ҳақида янада тўлиқроқ маъломотга эга бўлишга имкон яратади.

Илм ўрганиш, инсоний фазилатлар-одоб, ахлоқ, тўғрилик, ростгўйлик, ҳалоллик, иймон-эътиқод, ватанни севиш, уни қадрлаш, ота-онани ҳурмат қилиш, она табиатни эъзозлаш каби умуминсоний фазилатларни мадҳ этувчи қўшиклар орқали чет тилини ўрганиш ўз-ўзидан ёшлар қалбида эзгу ҳис-туйғулар уйғотиши, уларда инсоний фазилатларларни шаклланишига бадиий-эмоционал таъсири этиши шубҳасиз. Чунки, бадиий етук қўшиклар бевосита халқнинг яратувчилик қурдатини маҳсулӣ бўлиб, уларнинг

чет тилини ўргатишдаги тарбиявий таъсир кучи энг аввало улар мазмунидаги гўзаллик, улуғворлик, жўшқинлик хис-туйғуларини уйғотувчи хусусиятларга эга эканлигидадир. Бундай асарларни чет тилида тинглаш, таҳлил қилиш, яратилиш тарихи, моҳир ижроҷилари, ғоявий-бадиий мазмуни ҳақида сұхбатлар куриш талаба-ёшлар қалбидан эзгу хис-туйғулар уйғотади.

Чет тили дарсларида маданий бойлик ҳисобланмиш қўшиқлардан фойдаланишдан асосий мақсад улар воситасида таълим сифат-самарадорлигини таъминлаш, унинг мазмунини бойитиш ва талабанинг маънавий, бадиий, эстетик камолотини шакллантириш бўлиши керак. Талабалар руҳий-ҳиссий ҳолатига таъсир кўрсатиш орқали мусиқа ва қўшиқ амалий машғулот ўтиш жараённида дарсга хурсандчилик ва кўтаринки кайфият бериш билан биргаликда тил ўрганувчиларни фаолроқ ишлашга ундовчи восита ҳамдир. Чет тили ўргатишда тинглаб тушиниш усулига алоҳида эътибор қаратилади. Қўшиқ эса қайси тилда янграмасин тинглаб тушиниш учун энг яхши восита ҳисобланади. У ўзида нутқнинг оғзаки ва китобий жанрларини акс эттиради. Қўшиқнинг қўйидаги таркибий қисмларини кўрсатиб ўтиш муҳимдир.

Музика, сўз, ижро, видеоматериал, “афсона” (қўшиқ яратилиши тарихи, қўшиқ матни ва мусиқа ва ижроҷилар ҳақида маълумотлар).

Чет тилини ўргатишда қўшиқни қўллаш қўйидаги ўзига хос томонлари билан фойдалидир.

1. Талаффуз қўникмаларини кучайтириш. Тилни ўргатиш жараённида талабани гапиришга қўпроқ ундаш лозим. Талаффуз чет тилини ўрганишнинг муҳим таркиби ҳисобланади. Бунда техник воситаларни ишга солиш яхши натижа беради. Талаба чет тилидаги овозли матнларни қайта-қайта тинглаш орқали уни хотирасида сақлаб қолади ва тақлидан оғзаки нутққа қўчиради. Масалан, қофияли матнлар, шеър ва қўшиқлардан фойдаланиш талабага завқ беради ҳамда унинг хотирасида тез сақланади.

2. Қўшиқ ёрдамида талабанинг сўз бойлигини орттириш.

3. Тинглаб тушиниш ва талаффуз қилишда иштирок этадиган органлар фаолиятини кучайтириш.

4. Қўшиқдаги янги сўз ва ибораларнинг талаба хотирасида яхшироқ сақланиб қолишига эришиш. Чунки қўшиқда нима ҳақида куйлананаётганлигига бўлган қизиқиши матнни таржима қилишга ундаса, бир неча бор такрор куйланган қўшиқ матни қийинчиликсиз ёдда сақланади. Қўшиқ матnidан таниш бўлган сўзлар дарсда қўлланиладиган янги матнларда учраши, бу сўзларни фаолроқ қўллашга ва унинг контекстдаги бошқа маъноларини ҳам тушуниб, ёдда сақлашга имкон беради. Қўшиқ матни асосида грамматик материал устида ҳам ишлаш мумкин. Режа асосида ўтиладиган навбатдаги грамматик мавзуга мослаб қўшиқ матнини танлаш ҳам мавзуни янада яхшироқ эсда сақлашга сабаб бўлади.

5. Қўшиқ талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакат ва унинг маданияти ҳақидаги билимини ошириш билан бир пайтда социомаданий компетенциясини ривожлантируви восита вазифасини ўтайди.

6. Қўшиқ талабанинг хиссий тарбиясига таъсир килиб, уларда психологик чарчашни бартараф қиласи ва ижодий қобилиятни ривожлантиради.

Қўшиқ билан ишлаш методикаси. Ўқитувчи қўшиқ танлашда қўйидагиларга эътиборини қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз:



а) чет тилини ўрганишда танланадиган қўшиқлар мусиқа билан ҳамоҳанг, ёдда қийинчиликсиз сақлаб қолинадиган, дастурга мос, фойдали лексик ва грамматик мисолларга бой бўлиши шарт; б) имкон қадар ҳам лексик ҳам грамматик материални ўзлаштиришга туртки бўлиши керак; с) ўзида зўравонликни, бузғунчиликни тарғиб этувчи, кўча сўzlари акс этган матнлардан ўқув мақсадида фойдаланиш мумкин эмас; д). қўшиқ ва унда қўлланган лексик, грамматик материал талабага тушунарли бўлиши шарт. Акс холда бундай матндан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Мутахассислар фикрича, чет тилини ўрганиш учун қўшиқларни танлашда бир қатор мезонлар борки уларни четлаб ўтиб бўлмайди. Булар тилшунослик ва тил нуқтаи назаридан (лексик, грамматик ёки фонетик); тил ўрганувчининг ёши ва қизиқишлигини инобатга олиш нуқтаи назаридан; танланган матннинг долзарблиги ва қўшиқ матнининг янги маълумот бера олиши жиҳатидан.

Қўшиқ билан ишлаш жараёни З босқичга бўлинади.

1. Матн билан танишиш. Биринчи босқич қўшиқ матни, мусиқаси муаллифлари ва қўшиқчи ҳақида маълумот бериш, бир вақтнинг ўзида матнсиз тинглаб тушинишга (мураккаб психологик жараён) ҳаракат қилиш. Нотаниш сўз ва иборалар устида ишлаш. 2. Матн устида ишлаш. Матн билан танишиш ва таржима қилиш. 3. Хулосалаш. Қўшиқ матнини ёд олиш ва куйлаш.

Чет тилини қўшиқлар орқали ўргатишда талабаларнинг шу пайтга қадар эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида оддийдан мураккабга йўналтирилган кўплаб топшириқларни бажариш мумкин. Энг аввал қўшиқ матни “луғати билан ишлаш, маъно ташувчи сўzlар билан жумлалар тузиш, матн парчасини қисқартириб гапириш, матндаги қизиқарли сўzlарни чет тилида изоҳлаш, матн парчасига сарлавҳалар қўйиш, эшитилган ўзбекча жумлани чет тилидаги матндан топиш, ўрни алмаштирилиб қўйилган матн парчасини мантиқий тартибда жойлаштириш, эшитилган матндаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш, ... матн мазмунини режага қараб гапириб бериш”[2].

Талаба қўшиқ матнини қанчалик тўғри ёд олганини билиш мақсадида диктант ёздириш, шу қўшиқка мос қўшиқ ўз она тилида ҳам мавжуд бўлса қиёслаб эссе ёздириш, қўшиқ матnidаги тушириб қолдирилган сўzlарни топиб, нуқталар ўрнини тўлдириш, матн асосида тузилган тест топшириғи устида ишлаш, матнда қўлланган феъл сўз туркумiga оид сўzlарнинг гурухларини ва замонини аниқлаш, уларнинг синоним ёки антонимларини топиш, от ёки сифат сўз туркумiga доир сўzlарнинг кўплик ёки бирлик формасини ҳамда родини аниқлаш, ёки умуман матнда қўлланган сўzlарни туркумларга ажратиш, матн юзасидан саволларга жавоб бериш, қўшиқ матни ва мусиқаси муаллифлари, қўшиқчиси ҳақида маълумот йиғиш ва презентация тайёрлаш каби топшириқларни бажариш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб холоса қилсак, хорижий тилни ўрганишга бўлган доимий қизиқиши ва фаоллик ўз она тилимизга бўлган эътиборнинг сусайишига олиб келмаслиги лозим. Шундай экан, ҳар нарсада меъёр бўлгани каби чет тилини қўшиқ ёрдамида ўрганишда ҳам меъёр ва қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар:

- Ж.Ж.Жалолов. Чет тил ўқитиши методикаси: Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) ўқувчилари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи. 1996. –Б.368. 319-бет.
- Кўчибоев А. Чет тиллар ўқитишининг амалий методикаси. Самарқанд, 2012. 99 бет. 73 –бет.

3. Методика – чет тили ўқитиши назарияси. Бухоро. 2016. –Б.39. 21- бет
4. Е.П. Ильин. Мотивация и мотив. СПб: Питер, 2011, - стр. 20.
5. Е.В. Батагова. Значение мотивации при изучении иностранного языка. <http://festival.1september.ru>
6. Рахимова, Мухайё Акмаловна. "Проблемы лексического значения и вопросы синонимии." POLISH SCIENCE JOURNAL (2021): 137.
7. Muminovna, Urmonova Nigorakhon. "THE EFFECTIVENESS OF USING PICTURES IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES." Вестник науки и образования 7-3 (110) (2021): 54-57.